

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА РАҚОБАТНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Абдувалиев Абдулазиз Абдувалиевич -
ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари»
ИТМнинг илмий ишлар бўйича директорнинг
ўринбосари, и.ф.н., к.и.х.

Аннотация. Жаҳон иқтисодиётида рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида рўй бераётган ўзгаришлар таҳлили амалга оширилган. Рақамли иқтисодиётнинг рақобатга таъсири кўрсатиши аниқланди ва шунинг асосида монополияга қарши курашиш бўйича мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Таянч иборалар. давлат, иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, рақобат, монополия, ҳуқуқ, технология, компания, платформа.

Аннотация. Анализирована тенденция изменения мировой экономики в период формирования цифровой экономики. Определен уровень влияния цифровой экономики на конкуренцию и на этой основе разработаны предложения по совершенствованию действующей нормативно-правовой документации.

Ключевые слова. государство, экономика, цифровая экономика, конкуренция, монополия, право, технология, компания, платформа.

Annotation. The tendency of changes in the world economy during the formation of the digital economy is analyzed. The level of influence of the digital economy on competition has been determined and, on this basis, proposals have been developed to improve the current regulatory documentation.

Key words. government, economy, digital economy, competition, monopoly, law, technology, company, platform.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномада, 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номлаб: “Мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш, рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт” деб белгилаганлар[11].

Миллий иқтисодиётимизнинг рақамли иқтисодиётга ўтишидаги ислохотлар сўнгги бир неча йиллардан буён мустаҳкам норматив-ҳуқуқий пойдевор замини яратилмоқда, жумладан, 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3832-сонли қарори[12], 2018 йил 2 сентябрдаги «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги [13] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3927-сонли қарори, 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожланти-

риш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[14] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4022-сонли қарорларида ўз ифодасини топган.

Миллий иқтисодиётни рақамли иқтисодиётга қисқа даврларда ўтказиш ислохотлари ва чора-тадбирлари барча, иқтисодиёти ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда амалга оширилмоқда. Бу борада нуфузли халқаро ташкилотларнинг ўз қарашлари ва ёндашувлари ҳам шаклланганки, уларни амалиётда инobatга олиш зарур. Жумладан, 2019 йил 10-12 июль кунлари Женевада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан савдо ва ривожланиш бўйича ўтказилган конференцияда рақамли иқтисодиёт шароитида рақобат масалалари алоҳида кўриб чиқилган. Конференцияда эришилган хулосаларга кўра, бугунги кунда йирик технологик компаниялар инсонлар ҳаётининг кўплаб жабҳаларига кириб борган, харид қилишдан бошлаб ижтимоий таъсир кўрсатишгачан[9].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби А.Гутерриш “Рақамли иқтисодиёт 2019” деб номланган анжумандаги нутқида: “Рақамли инқилоб бизнинг ҳаётимиз ва жамиятимизни мисли кўрилмаган тезлик

билан ўзгартирмоқда, шу билан бирга улкан имкониятлар ва улкан қийинчиликларни келтириб чиқарган ҳолда, янги технологиялар, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим ҳисса қўшиши мумкин, аммо, ижобий натижалар кафолатланмайди. Рақамли технологияларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини тўлиқ очиб бериш учун ва исталмаган оқибатларга йўл қўймаслик учун имкон қадар тезроқ халқаро ҳамкорликни кучайтириш керак”[1] деб таъкидлаган.

Шунингдек, А.Гутерриш ўз маърузасида, ўта қисқа вақт ичида рақамли технологиялар соҳасидаги тараққиёт, улкан бойликларни яратишга олиб келганлиги, аммо ушбу бойликлар айрим шахслар, компаниялар ва мамлакатлар гуруҳларида мужассамланганлигини билдиради. Агарда жорий сиёсат ва мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳолати ўзгармаса ушбу тенденциялар сақланиб қолиши ва тенгсизликни янада кучайишига олиб келишини таъкидлади. Чунки, дунё аҳолисининг ярмидан кўпи Интернетдан фойдаланиш имконияти чекланганлиги ёки эга эмаслиги ҳолатида тегишли ҳаракатларсиз рақамли таффовутни бартараф этиб бўлмаслиги ва рақамли иқтисодиёт жамиятнинг фойдасига ишлаши учун, у инклюзив характерга эга бўлиши кераклигини белгилади.

Аммо ёддан чиқармаслик зарурки, рақамли иқтисодиёт кибер ҳавфсизлик, ноқонуний иқтисодий фаолиятни енгиллаштириш ва шахсий ҳаёт даҳлсизлигига тажовуз қилиш каби янги таҳдидлар ва рискларни яратади. Бунда, янги ечимларнинг топилиши, ҳукумат, фуқаролик жамияти, академик омма, илмий жамият ва технологик тармоқларнинг бирдамлик ҳаракатини талаб қилади[1].

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (OECD) томонидан рақамли иқтисодиётга қуйидагича таъриф берилган: “Рақамли иқтисодиёт аввало, товарлар савдоси ва хизматлар кўрсатишни рағбатлантиш ва соддалашга қаратилган, рақамли технологияларга асосланган бозорларни билдиради, аммо бу билан ушбу тушунча чегараланмайди, чунки, рақамлаштириш умумий ҳолда жамият ва иқтисодиётга таъсир кўрсатади[4]”.

Рақамли иқтисодиёт, яқин ўтмишдаги бошқа ижтимоий-иқтисодий даражадаги технологик трансформациялар каби (саноатлаштириш, электрлаштириш ва бошқалар) ўзи билан комплекс ўзгаришларни олиб ке-

лади, чунки, айримлар ушбу ўзгаришлардан ютади, аксинча, бошқалар эса ютказишади, тенгсизлик ҳолатининг ривожланиши ҳисобига[6].

Рақамли тенгсизлик - (digital divide) – амалиётда кенг қўлланиладиган ибора бўлиб, рақамли технологиялардан (алоқа хизматлари, интернетга уланиш ва бошқалар) фойдаланишнинг тенгсизлигини билдиради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа қатор халқаро ташкилотларнинг кўплаб ҳужжатларида, ушбу даражада янада кенгроқ маънони англатади, жумладан, ахборотлардан хабардор бўлиш, рақамли муҳитда фаолият кўрсатиш ва бошқалар. Шунингдек, Жаҳон банки томонидан бугунги кунда рақамлаштириш жараёнларининг тезлашаётганлиги бўйича ўтказилган тадқиқотлар “Рақамли дивидендлар” деб номланган бўлиб, унда айнан, чекланган миқдордаги шахслар томонидан рақамли иқтисодиётга ўтишдан кўриладиган фойдалари акс эттирилган[3].

XXI асрнинг бошланиши, рақамли технологияларнинг ахборот инқилоби ва жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ҳисобига рўй берди. Ўз навбатида, рақамли платформаларнинг тобора ривожланиши иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида инқилобни амалга ошириши давом этмоқда. Натижада, ушбу мавзуга бўлган қизиқишнинг тобора ортиб бориши рақамли технологиялар соҳасида фаолият кўрсатаётган компанияларнинг иқтисодиётга бўлган таъсирининг ортиши билан боғланмоқда. Мазкур платформалар кўплаб хизмат кўрсатиш турларига рақамли инфратузилма вазифасини бажариб келмоқда, улар жумласидан, савдо майдончалари (Amazon), дўконлар иловаси (Apple), ижтимоий тармоқлар сайти (Facebook) ва қидирув тизими (Google). Йирик технологик компаниялар глобал миқёсда бизнес-ландшафтга (бизнес қўлами) эга бўлганлар ва бунинг натижасида уларнинг сўнги 10 йилда жаҳон бозоридаги улуши кескин ортган.

Рақамли инновацияларнинг **биринчи тўлқини**, амалиётда мавжуд бўлган технологиялар ва бизнес-жараёнларнинг автоматлашишига хизмат қилди. **Иккинчи тўлқини**, интернетнинг, мобил алоқанинг ва ижтимоий тармоқларнинг кенг ёйилиши билан боғлиқ бўлди. Смартфонларнинг пайдо бўлиши рақамли технологияларнинг пайдо бўлишини янада фаоллаштирди[8].

Бунинг оқибати сифатида, жаҳонда энг йирик 10 талик компанияларнинг рўйхати кескин ўзгарди, агарда ўн йил аввал 10 таликни sanoat, молия ва хом ашё соҳаларидаги компаниялар эгаллаган бўлса, бугунги кунда 10 таликнинг биринчи учта ўринни Apple, Alphabet (Google бош компанияси) ва Microsoft эгаллаган.

2019 йил 10-12 июль кунлари Женевада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан савдо ва ривожланиш бўйича ўтказилган

конференция маълумотларига кўра, бугунги кунда йирик технологик компаниялар инсонлар ҳаётининг кўплаб жабҳаларига кириб боришган, харид қилишдан бошлаб ижтимоий таъсир кўратишгачан. Жумладан, 2018 йилда бозор капитализацияси юқорилиги ҳисобига “Amazon” “Apple”, “Facebook”, “Google”, дунёда энг йирик компаниялар ўнталигидан нефтегаз ва телекоммуникация компанияларни чиқариб юборишга мувоффақ бўлишган[9] (1-жадвал).

1-жадвал

2009 йил капитализация даражаси бўйича дунёнинг 10 та энг йирик компаниялари (млрд. долл.)[2]

Ўрин	2009 йил 31 март ҳолатига дунёнинг 10 та энг йирик компаниялари		
	Компания	Тармоқ	Бозор капитализацияси
1	“Эксон мобил”	Нефть ва газ	337
2	“Петро Чайна”	Нефть ва газ	287
3	“Уолмарт”	Истеъмол хизм.	204
4	Хитойнинг sanoat ва тижорат банки	Молия сектори	188
5	“Чайна мобайл”	Телекоммуник.	175
6	“Майкрософт”	Технологиялар	163
7	“Эй-ти-энд-ти”	Телекоммуник.	149
8	“Джонсон энд Дж.”	Соғлиқни сақлаш	145
9	“Роял датч Шелл”	Нефть ва газ	139
10	“Проектер энд Г.”	Истеъмол хизм.	138
	Жами		1925

1-жадвал ва 2-жадвал маълумотларининг таҳлилига кўра, 2009 йилда бозор капитализацияси бўйича дунё бўйича энг йирик компаниялар ўнталигига учта нефтгаз компаниялари ва фақат битта технологик компания ўрин эгаллаган бўлса, 2018 йилда ушбу рўйхатга 5 та технологик компаниялар, 2 та истеъмолчиларга хизмат кўрсатувчи компа-

ниялар кирган, улар ўз навбатида йирик тармоқли савдо компаниялар ҳисобланади. 2009 йилда дунёнинг 10 та энг йирик компанияларнинг жами капиталлашув даражаси 1925 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 5615 млрд. долларни ташкил этди.

2-жадвал

2009 й. капитализация даражаси бўйича дунёнинг 10 та энг йирик компаниялари (млрд. долл.)[2]

Ўрин	2018 йил 31 март ҳолатига дунёнинг 10 та энг йирик компаниялари		
	Компания	Тармоқ	Бозор капитализацияси
1	“Эпл”	Технологиялар	851
2	“Алфабет”*	Технологиялар	719
3	“Майкрософт”	Технологиялар	703
4	“Амазон.ком”	Истеъмол хизм.	701
5	“Тэнсент холдинг”	Технологиялар	496
6	“Беркшир Хэтэуэй”	Молия сектори	492
7	“Алибаба”	Истеъмол хизм.	470
8	“Фейсбук”	Технологиялар	464
9	“Джей-пи Морган Чейз”	Молия сектори	375
10	“Джонсон энд Дж.”	Соғлиқни сақлаш	344
	Жами		5615

Албатта бундай компаниялар ўртасида рақобат тобора ортиб боради, аммо бошқа томондан, рақобат ҳолатларини ҳам чеклаб қўймасликнинг олдини олиш муҳим ҳисобланади. Бу борада монополияга қарши ташкилотларда ўзига хос ролини аниқлаш талаб этилади, яъни, ушбу бозорда рақобатни ривожлантиришга шароитларнинг яратилиши назарда тутилмоқда. Чунки, бугунги кунда “рақамли гигантлар” бозорда чексиз қудратлари намоён бўлмоқда, бу қудрат катта ҳажмдаги маълумотларга эгалик қилиш, платформаларни жорий қилиш, маркетингнинг янги технологияларидан фойдаланишда намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда рақобат бутунлай янги шакл ва таркибни ўзида мужассамлаштирмоқда. Чунки, иқтисодий фаолият иштирокчилари аниқ бир товарлар бозорида рақобатлашмасдан, аксинча янги бозорларни шакллантиришга ва ўзларининг йўналишларида буткул монопол бўлишга интилишмода. Ўз навбатида, кўп ҳолларда янги – рақамли бозорлар XX асрда анъанавий бўлган, объектив таҳлилда фойдаланилган инструментлар тўғри келмаслиги кузатилмоқда. Ўхшаш бўлган фикрни, Нобель мукофоти совриндори Джозеф Стиглиц томонидан ҳам билдирилган: “Бугунги кундаги иқтисодиётнинг аксарият тармоқлари – телекоммуникация, медиа, рақамли платформалар, аграр ишлаб чиқари, фармацевтика ва кўплаб бошқаларда рақобатнинг устувор шакли олигополияда намоён бўлади” деган ғояни илгари сурган[7].

Рақамли секторда фаолият юритаётган компаниялар мижозларининг тармоқдаги барча маълумотларига эгадирлар (улар жумласидан, мижознинг эҳтиёжлари, тўлов қобилияти, бўш вақтни ўтказиш бўйича эҳтиёжлари ва қизиқишлари каби маълумотлар) ва улардан ўз эҳтиёжлари йўлида фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Бундай маълумотларни таҳлил қилиш асосида рақамли корпорациялар инсонларнинг эҳтиёжлари тўғрисида маълумотларни шакллантириш имкониятларига эгадирлар. Аммо, инсон ҳуқуқининг бузилиши ва рақобатнинг чекланиши ёки бузулиши каби вазиятларни инобатга олиш зарур ҳисобланади.

Бу борада рақамлаштириш монополияга қарши курашишда усуллари ва инструментларида ўз ифодасини топиши керак бўлади. Бундай усулларнинг ривожланишига асос солинган ва монополияга қарши кура-

шиш ташкилотларида ахборотларни тўплаш ва қайта ишлаш имкониятлари мавжуд. Шунингдек, рақамлаштириш жараёнида тарифларни бошқаришда ва тартибга солишда инобатга олиниши лозим.

Технологик ривожланишнинг тез суръатлари бозорларнинг характерини ва бизнес-моделларни кескин ўзгартирди. Бу ўз навбатида рақобат бўйича қонунчилик ва сиёсатида қатор муаммоларни келтириб чиқаради ва ўз вақтида мазкур муаммоларнинг барта-раф этилмаслиги оғир оқибатларни келтириб чиқаради.

Маълумки, бугунги кунда монополияга қарши курашиш соҳасида муҳим кўрсаткичлардан бири “истеъмолчининг фаровонлик кўрсаткичи” ҳисобланади. Бу кўрсаткич истеъмолчилар учун нархларнинг юқорилиги ёки пастлиги жиҳатидан зиён ёки фойда келтиришини баҳолаш асосида шакллантирилади. Аммо ушбу кўрсаткичнинг рақамли платформаларда инобатга олинмайдиган жиҳати шундан иборатки, хизматларга ўрнатилган нархларнинг тезликда тебраниши ҳисобига савдо майдончаларида хизмат кўрсатувчи интернет-платформаларнинг нархларини таҳлил қилишда мураккабликлар юзага келади.

Бундан ташқари, онлайн-платформаларнинг рақобат устуворликларини таҳлил қилишда нарх керакли даражадаги мезон ҳисобланмайди, чунки, кўп хизматлар бепул амалга оширилади, аммо, истеъмолчи ўзининг шахсий маълумотларини тақдим қилиш ҳисобига тўлайди. Шунинг учун устувор платформалар нарх ҳисобига эмас балки, бошқа йўллар билан истеъмолчиларга зиён етказиши мумкин. Ушбу борада “истеъмолчиларнинг фаровонлиги” тўғрисидаги тушунчани унга қўшимча мезонларни киритган ҳолда янада кенгайтириш талаб этилади. Улар жумласидан, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги, истеъмолчиларнинг танлаш ҳуқуқи, шахсий маълумотларнинг ҳимояси ва бошқалар.

Айрим олимлар рақобат борасида амалга ошириладиган ўрганишларнинг янги ёндашувини ҳам таклиф қилишган, бунда асосий эътибор шахсий маълумотлардан фойдаланишда платформаларни назорат қилишнинг рақобатга қарши оқибатларига эътибор қаратилади. Масалан, 2017 йилда рақамли иқтисодиётнинг ўзига хос жиҳатлари ва талабларини инобатга олган ҳолда Германияда рақобат тўғрисидаги қонун қайта кўриб чиқилган ва бошқа норматив ҳуқуқий

хужжатларга ўзгартиришлар киритилган. Жумладан, унда платформалар томонидан бепул кўрсатиладиган хизматлар ва товарларга нормалар киритилган.

Рақамли платформаларда бозорга таъсир кўрсатишга баҳо бериш борасида турли хилдаги мезонларни таҳлил қилишни талаб этади. Шунинг учун энг муҳим жиҳати шундан иборатки, фирмалар бозорларда рақобат қилишмайди, аксинча бозорлар учун рақобат курашини амалга оширишади.

Рақамли платформаларнинг бозорга таъсир кўрсатиши вертикал интеграция ҳисобига янада мустаҳкамланади. Бундай компанияларга “Амазон” ва “Эпл”ни келтириш мумкин, улар аввалги фаолиятларини янада кенгайтирган ҳолда бозордаги улушларини оширишади. Масалан, “Амазон” компанияси дастлабки фаолиятини китобларнинг интернет магазини сифатида бошлаган, аммо кейин ўз фаолиятини янада диверсификациялаштирган ҳолда, мусиқа, аудиокитоблар ва бошқа истеъмол маҳсулотларини сотишни бошлаган, ундан сўнг маҳсулотларни ўзининг бренди остида ишлаб чиқаришни ва ўзининг дўконларида сотувини ташкил қилган, шу билан бирга бошқа сотувчилар билан рақобат курашида тенг иштирок этган ҳолда. Аммо бу борада Европа комиссияси ва Германиянинг картелларга қарши Федерал бошқармаси томонидан “Амазон” компаниясига нисбатан ўтказилган текширувлар амалга оширилган. Унга кўра компания томонидан бошқа сотувчи компанияларнинг шахсий маълумотларидан ўзининг фойдаси ҳисобига нисбатан фойдаланиши ўрганилмода[5].

Агарда бундай ҳолат тасдиқланадиган бўлса, Интернетда савдо майдончалари ажратилиши рақобатга қарши деб топилади ва бу ҳолат биринчи ҳолат сифатида қайд этилади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, монополияга қарши курашиш бўйича мавжуд норматив-ҳуқуқий хужжатларга рақамли иқтисодиётга таалуқли бўлган ибораларни киритиш ва бошқа қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу ўзгаришларни амалга оширишда қуйидагиларни инобатга олиш лозим, жумладан:

1. “Стартап”лар учун рақамли бозорга киришда имкониятларни яратиб бериш ва тўсиқларни бартараф этиш, жумладан, муҳим маълумотлардан фойдаланиш имкониятини бериш;

2. Рақамли алгоритмларга асосланган ҳолда картелларга қарши норматив-ҳуқуқий

хужжатларни ишлаб чиқиш ёки мавжудларини такомиллаштириш;

3. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятларини инобатга олган ҳолда бозорни ва бозорнинг ҳукмронлигини таҳлил қилишнинг янги таҳлил методологияларини ишлаб чиқиш ва уларни фаол жорий қилиш.

Шундай рақамли платформалар кўплаб имкониятларни яратади, аммо шу билан бирга истеъмолчилар тўғрисидаги кенг қамровли маълумотлардан фойдаланиш имконияти ҳам яратилган, бу ҳолат эса уларга бозорларда кучли рақобат устуворликларга эга бўлиш шароитини яратди. Ушбу муносабатда бугунги кунда нафақат рақобат қонунлари балки истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузулиши ҳамда шахсий ҳаётга аралашуш ҳавфлари юзага келганлиги эътироф этилган. Айнан ушбу борада бугунги кунда кўплаб мамлакатлар бундай платформаларнинг бозорга таъсир кўрсатишнинг салбий жиҳатларини тобора ривожланиб боришини ўрганишмоқда ва муаммонинг ечимини излашмоқда.

Юқорида амалга оширилган таҳлиллардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, ахборот технологиялари ва инновацион қарорларга асосланган рақамли иқтисодиётнинг фаол ривожланиши шароитида, анъанавий маҳсулотлар ва хизматлар бозорларига ноанъанавий бўлган чақириқлар мужассамлашган бўлади. Ушбу шароитда, рақобатни ҳимоя қилишга қодир бўлган ва шу билан бирга рақамли бозорларда фаолият юритаётган компанияларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда, монополияга қарши янги тизимни яратиш эҳтиёжи пайдо бўлади.

Белгиланган лозимки, рақамли иқтисодиёт шароитида монополияга қарши курашишнинг асосий даражалари ўзгаради, жумладан, нархнинг монополлигини аниқлаш ва монополиянинг омиллари аниқлаш мураккаблиги юзага келади, чунки барча операциялар автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади ва аниқ масъул шахсни аниқлаш қийин бўлади пировард натижада монополия ҳолати аниқланганда асослаб берилиши қийинчилик туғдиради.

Интернет жисмоний ва юридик чегараларни кесиб ўтишини инобатга олган ҳолда рақамли иқтисодиётни тартибга солиш тизимини шакллантиришда рақамли бозорларнинг йирик иштирокчилари жойлашган мамлакатлардаги монополияга қарши курашиш қонунчилигини инобатга олиш талаб этилади. Ушбу шароитда, бозорнинг миллий ва

хорижий иштирокчилари ривожланишига тўсқинлик қилмаслик учун, компаниялар, инвесторлар ва регуляторлар фаолият юритишини чеклаб қўймаслик учун тартибга солишнинг чегаралари ва даражаларини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Умумий ҳолда, мавжуд бўлган чақириқларга қарамасдан, рақамли иқтисодиёт иқтисодиётнинг самарадорлиги ва даражасини ўсишига, ҳамда, бозорларда эркин рақобатни шаклланишига қаратилган қатор фундаментал устуворликлари мавжудлигини инобатга олиш лозим.

Биринчидан, тармоқдаги устуворликларни инобатга олиш лозим, уларнинг ҳисобига рақамли бизнес самарали қарорларнинг тезликда ривожланиши ва тарқалишини таъминлайди.

Иккинчидан, рақамли технологиялар ва катта маълумотлар ҳисобига маҳсулот ва хизматнинг нарҳи ва сифати тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумотларни олишда эришилаётган шаффофлик даражаси. Шу билан бирга маълумотларнинг шаффофлиги ҳисобига ҳужжатларнинг айланиши тезлашади ва фирибгарлик операциялари билан боғлиқ бўладиган рисклар камаяди.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. А.Гутерриш. Доклад о Цифровой экономике 2019. Создание стоимости и получение выгоды: последствия для развивающихся стран. Обзор. ЮНКТАД.
2. PricewaterhouseCoopers, 2018, *Global Top 100 Companies by Market Capitalization: 31 March 2018 Update* (London).
3. *Digital Dividends: World development rep.* 2016. URL: <http://www.worldbank.org/en/publication/wdr2016>.
4. *Competition Committee of Organisation for Economic Cooperation and Development: The Digital Economy.* 2012 // *Competition Law & Policy.* 2013. Feb. 7. URL: <http://www.oecd.org/daifocompetition/The-DigitalEconomy-2012.pdf>.
5. *Federal Cartel Office, Germany, 2018, Bundeskartellamt initiates abuse proceeding against Amazon, Press release, 29 November.*
6. Ekbia H., Nardi B. *Heteromation, and Other Stories of Computing and Capitalism.* MIT Press, 2017. URL: <https://mitpress.mit.edu/books/heteromation-and-other-stories-computing-and-capitalism>; Brynjolfsson E., McAfee A. *The Second Machine Age: Work, Progress, and Prosperity in a Time of Brilliant Technologies.* W.W. Norton, 2014. URL: <http://books.wwnorton.com/books/the-second-machine-age/>.
7. Stiglitz J. *Monopoly's New Era* // Project Syndicate. 2006. May 13. URL: <https://www.project-syndicate.org/commentary/high-monopoly-profits-persist-in-markets-by-joseph-e--stiglitz-2016-05>.
8. Бабкин А.В., Буркальцева Д.Д., Костень Д.Г., Воробьев Ю.Н. *Формирование цифровой экономики в России: сущность, особенности, техническая нормализация, проблемы развития* // *Научно-технические ведомости СПбГПУ. Экономические науки.* – 2017. – № 3. – с. 9-25.
9. Совет по торговле и развитию Комиссия по торговле и развитию Межправительственная группа экспертов по законодательству и политике в области конкуренции Восемнадцатая сессия
10. <https://undocs.org/ru/TD/B/C.I/CLP/54>
11. <https://president.uz/lists/view/3315>
12. <https://lex.uz/docs/3806053>
13. <https://lex.uz/docs/3891629>
14. <https://lex.uz/docs/4071219>